

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/ 30.12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ИЗЗАТ СУЛТОНОВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА АЛОҚА ТИЗИМИ
ТАРИХИ (1873-2018 йй.)**

07.00.01. — Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Юсупов Иззат Султонович

Хоразм воҳасида алоқа тизими тарихи (1873-2018 йй.).....3

Юсупов Иззат Султонович

История системы связи в Хорезмском оазисе (1873-2018 гг.)27

Юсупов Иззат Султонович

The history of communication system in the Khorezm oasis (1873-2018 yy).....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/ 30.12.2019. Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ИЗЗАТ СУЛТОНОВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА АЛОҚА ТИЗИМИ
ТАРИХИ (1873-2018 йй.)**

07.00.01. — Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tag 432 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Мадирим Маҳмудович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мавланов Ўктам Маҳмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Сулайманов Саламат Арепбаевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Tag.01.04 рақамли илмий кенгаш хузуридаги илмий даражалар берувчи кенгашнинг 2020 йил “5” декабр соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz (Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация матни билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (94 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил “28” 11 кун тарқатилди.
(2020 йил “28” 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси.)



А.А. Маврулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж. Ураков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Н.У. Мусаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда дунё халқлари ҳаёти ва ривожини кенг қамровли алоқа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий фан ва техника тараққиёти ютуқлари негизига асосланган почта, телефон, телеграф, радио, телевидение, уяли алоқаларнинг барчаси китъалар ва жаҳон мамлакатларини кўзга кўринмас, ўзига хос тарзда яхлит боғлаб қўйганки, давлат ва ташкилотлар фаолияти алоқа воситаларисиз яшай олмайди. Шу билан бирга мазкур соҳа жамиятда иқтисодий-ижтимоий ва маданий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳолат ривожланган давлатларда алоқа воситалари ва тармоқларининг янги хилларини ишлаб чиқиш бўйича ўзаро рақобатни юзага келтирмоқда. Айниқса, жаҳонда инновацион технологияларнинг ривожланиши коммуникатив алоқа воситаларини янги босқичга олиб чиқишда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг йирик илмий муассасаларида алоқа воситалари ва тармоқларининг тарихий маданий жараёнлардаги ўрни ва истикболлари юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, алоқа воситалари ва тармоқларининг тарихий маданий жараёнлардаги ўрни, тарихий туризмни ривожлантиришда замонавий алоқа воситалари ва тармоқларининг ролини ошириш ҳамда глобаллашув даврида турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни алмашинуви ва ҳамжиҳатликни таъминлашдаги аҳамияти, ижтимоий ҳаётда коммуникация воситаларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш кабилар устувор йўналишлар сифатида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда алоқа тизимида туб ўзгаришлар юз бериши баробарида соҳага доир янги инфратузилмалар яратилди. Бундай янгиланишлар алоқа тизимининг ривожланиш жараёни ва аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ислохотларнинг ривожини мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган Хоразм воҳасини марказ ва бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқалари ҳамда интеграциясини кенгайтиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, “бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантиришимиз керак”¹. Мазкур жараёнда алоқа тизими тарихи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар соҳага хос бўлган муаммоларни илмий таҳлил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги ПҚ–2834-сон “Тошкент ахборот

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Тошкент: Ўзбекистон. 2017. – Б.15.

технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм воҳаси Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи ҳудуд бўлгани сабабли, унинг алоқа воситалари ва тармоқларининг асосий йўналишларидаги ривожланишини тарихий жиҳатдан ўрганишга бағишланган ушбу диссертацион тадқиқотда. Мавзуга доир адабиётларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Хива хонлиги даврида яратилган асарлар.
2. Совет даврида яратилган илмий тадқиқотлар.
3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган ишлар.
4. Хорижда яратилган тадқиқотлар.

Хоразмда алоқа соҳасининг пайдо бўлиши ва унинг XVII асрнинг иккинчи ярми – XX асрни биринчи ярмигача бўлган давридаги ўрнини ёритишга биринчи навбатда маҳаллий олимлар эътибор қаратган. Улар орасида воҳада яшаган ва амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг шахсан гувоҳи бўлган Абулғози Баҳодирхон², Муҳаммадризо Огаҳий³, Муҳаммад Юсуф Баёний⁴, Полвонниёз Хожи Юсуповнинг⁵ илмий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур муаррихлар ўз асарларида эътиборга молик тарихий тафсилотларни ёритиш билан бир қаторда, шахсий мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтишганини таъкидлаш лозим.

Собиқ совет даврида мавзу доирасидаги тадқиқотлар кўлами кенгайиб, Тадқиқотчи Б.А. Рихсиев⁶, Х.С. Саламуллаев⁷, Н.Д. Псурцев⁸, Ю. Муҳаммедов⁹ ўз тадқиқотларида мавзуга тарихийлик нуқтаи назаридан бироз жиддийроқ эътибор берган. Тадқиқот мавзусига яқин илмий ишлар орасида профессор А. Г. Абдунабиев раҳбарлиги ва таҳрири остида тайёрланган “Ўзбекистонда алоқанинг ривожланиши тарихи лавҳалари (ижтимоий-сиёсий томонлари)” монографияси муҳим ўрин эгаллайди¹⁰. Унда ўлкада алоқа

² Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Тошкент: Чўлпон, 1992. — 192 б.

³ Муҳаммадризо Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. — Тошкент: Гафур Гулом, 1971-1977.

⁴ Баёний М.Ю. Шажарайи хоразмшоҳий // “Мерос” тўпламида. — Тошкент: Мерос, 1992. — 255 б.

⁵ Полвонниёз Хожи Юсупов. Ёш Хиваликлар тарихи. — Урганч: Хоразм, 1999. — 486 б.

⁶ Рихсиев Б.А. Становление и развитие Узбекского радиовещания (1917-1937 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. — Ташкент, 1973. — 24 с.

⁷ Саламуллаев Х.С. Ўзбекистонда алоқа тармоқлари ва воситаларининг асосий йўналишлари, ютуқлари ва муаммолари: тарихий нуқтаи назар (1917-1941). — Тарих фан. ... номз. дисс. автореф. — Тошкент, 1994. — 35 б.

⁸ Қаранг: Псурцев Н.Д. Развитие связи в СССР (1917-1967 гг.). — Москва: Связь, 1967. — 479 с.

⁹ Муҳаммедов Ю.Х. Ўзбекистонда почта алоқаси. — Тошкент: Ўзбекистон, 1959. — 127 б.

¹⁰ Очерки истории развития связи в Узбекистане: социально-политические аспекты // Под ред. профессора А.Г. Абдунабиева). — Ташкент: Фан, 1991. — 141 с.

муассасаларининг мустамлака давридаги аҳволи, шўролар тузуми вақтида почта-телеграф, радио ва телевидениенинг илк қадамлари, соҳани илмий-техника ютуқлари асосида жиҳозлаш, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш каби масалаларни тарихийлик нуқтаи-назаридан изчил ёритишга ҳаракат қилинган. Шу билан бир қаторда, эътироф этиш керакки, монографияда Хоразм вилояти маълумотлари кам ўрин олган.

Алоқа соҳаси ходимларини тайёрлаш мақсадида ёзилган, ер усти ва остидан тортилган симли алоқа қурилмалари орқали амалга оширилган телефон, телеграф, айрим ҳолларда радио-телевизион сигналлар ҳақида Р.З. Камолитдинов, Н.Х. Гултўраева, Н.С. Хўжаев, А.Д. Нормуродов, Р.И. Исаев, Р.К. Атаматов, Р.Н. Ражапова каби мутахассисларнинг китобларида ҳам айрим тарихий маълумотлар учрайди¹¹.

Мустақиллик йилларида мавзу доирасида тарихчи профессорлар М. Матниёзов¹², М. Маҳмудов¹³, О. Машариповлар¹⁴, тадқиқотчилар Ў. Қ. Муҳаммадиев¹⁵, О. Муталов¹⁶, О. Қўшжонов ва Н. Полвонов¹⁷, У. Бекмуҳаммад¹⁸, иқтисодчи олим Б. Бобожонов¹⁹, М. Алимарданов, А. Мўминовнинг²⁰ китобларида алоқа соҳасига оид маълумотлар биров акс эттирилган бўлсада, етарли ўрин ажратилмаган. Ўзбекистонда радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение пайдо бўлиши ва тараққиёти тарихига оид умумий маълумотлар А. Каримов, М. Машарипов, Э.Б. Маҳмудов, В.З. Зупаров, О.А. Холматов, М. Рўзиев, Х. Жўраеваларнинг рисола ва китобларида берилган²¹.

Мустақиллик йилларида кундалик ҳаётда уяли алоқа воситалари, оргтехника ва Интернет тизимининг ахборот-коммуникация имкониятларидан кенг фойдаланила бошланди. Улар ҳақидаги умумий маълумотларни Н.Р. Маҳкамова ва Б.А. Орифхонов, А. Эшмуродов, Н. Зайнутдинова, М. Нуруллаева, Й. Султонов, Н. Юнусов, Р.И. Исаев, Г.Х. Миразимоваларнинг мутахассис ва талабалар учун ёзилган ўқув қўлланмалари ҳамда алоқа соҳасига оид махсус тайёрланган рисолалардан кўриш мумкин²². Мазкур

¹¹ Камолитдинов Р.З. Симли алоқа қурилмалариги хизмат кўрсатиш. — Тошкент: Ғафур Ғулом, 2007. — 112 б. Гултўраева, Н.Х. ва б. Телекоммуникация тармоқлари / Н.С. Хўжаев, А.Д. Нормуродов. — Тошкент: Фан ва технологиялар, 2001. — 405 б.; Исаев, Р.И ва б. Телекоммуникация узатиш тизимлари / Р.К. Атаматов, Р.Н. Ражапова. — Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. — 520 б.

¹² Матниязов М. Хоразм тарихи, 1-2 жилд. — Урганч: Хоразм, 1996; 1-жилд. — 418 б.; 1997. — 2-жилд. — 298 б.

¹³ Маҳмудов М. Хива хонлиги тарихи. — Урганч, 2006. — 149 б.

¹⁴ Машарипов О. Хоразмнома. 3-китоб: XIV асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида Хоразм, Хива хонлиги. — Урганч: Хоразм, 2009. — 240 б.

¹⁵ Муҳаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. — Тошкент: Фан, 2000. — 117 б.

¹⁶ Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. — Тошкент, 2005. — 141 б.

¹⁷ Қўшжонов О., Полвонов, Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. . — Тошкент: “Абу Матбуот-Консалт” МЧЖ, 2007. — 386 б.

¹⁸ Бекмуҳаммад У. Хоразм тарихидан саҳифалар. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. — 193 б.

¹⁹ Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар. 1-китоб. 2001. — 192 б; 2-китоб. 2011. — 270 б.; 3-китоб. 2016. — 211 б.

²⁰ Алимарданов М. Ўчмас шараф. — Тошкент: “Доно” МЧЖ, 2017. — 155 б.; Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. — Тошкент: Турон замин зиё, 2013. — 163 б.; Машарипов, М. Ойнаи жаҳон. — Урганч: Хоразм, 2012. — 84 б.

²¹ Каримов А. Ўзбекистонда телевидение. — Тошкент: ЎзКПМК, 1964. — 64 б.; Зупаров, О.А. Холматов. Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидения — Тошкент: Ғафур Ғулом, 2007. — 113 б; Рўзиев, М., Жўраева Х. Тележурналистга тавсиялар. — Тошкент: Шарқ, 2013. — 173 б.

²² Маҳкамова, Н.Р., Арифханов, Б.Р. Очерки истории развития связи в Узбекистане. Методическое пособие для самостоятельной работы студентов. — Ташкент: ТАТУ, 2010; Эшмуродов, А. ва б. Рақамли коммутация

нашрларда ҳам Хоразм воҳаси алоқа тизими тарихи ҳақидаги маълумотлар жуда кам учрайди. Олимлар Ў. Мавлонов, С. Аҳмедов, Б. Умаровлар томонидан тайёрланган ва 2014 йилда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрдан чиқарилган “Ўзбекистон почтаси: тарих ва тараққиёт” китобида²³, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари Л. Н. Жўраев Ғ.Р. Маматқулов, Р.Ф. Худойбердиев ва Б.И. Аҳтамов ҳаммуаллифликда тайёрлаган “Замонавий почта алоқаси” номли ўқув қўлланмасида республикада алоқа хизматининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи акс эттирилган²⁴.

Хорижда ҳам Хоразм воҳаси алоқа тизими тарихини ўрганиш ва ёритишга қисман рус, инглиз ва америкалик тадқиқотчилари ҳисса қўшганлар. Бундай манбалар қаторида Россиядаги инглиз савдо агенти Антоний Женкинсоннинг хотиралари²⁵, ҳарбий врач Бланкелнагель²⁶ ва капитан Н.Н. Муравьевнинг сайёҳати тафсилотлари²⁷ ҳамда подполковник Г.И. Данилевский²⁸ ва полковник Н.П. Игнатъев²⁹ экспедицияларининг ҳисоботлари билан бир қаторда америкалик журналист А.Я. Мак Гахан³⁰ ва эроний К. Фарроҳнинг³¹ китобида ҳам айрим маълумотлар учрайди.

Шу билан бир қаторда юқоридаги нашрларда Хоразм воҳасида алоқа тизимининг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳақидаги тафсилотлар жуда кам ёритилгани кўриниб туради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ F1-FA-16549 –“Хоразм тарихи монографиясининг I-II томларини тайёрлаш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳасида алоқа тизими тарихини 1873-2018 йилгача бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўтказган таъсирларини тизимли асосда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимлари / Н. Зайнутдинова, М. Нуруллаева, Ў. Султонов. — Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. — 420 б;

б; Юнусов, Н. ва б. Оптик алоқа асослари / Р.И. Исаев, Г.Х. Миразимова. — Тошкент: Чўлпон, 2014. — 138 б.

²³ Мавлонов, Ў., Аҳмедов, С., Умаров, Б. Ўзбекистон почтаси: тарих ва тараққиёт. — Тошкент: Маънавият, 2014. — 295 б.

²⁴ Жўраев, Л.Н. ва б. Замонавий почта алоқаси. Ўқув қўлланма / Ғ.Р. Маматқулов, Р.Ф. Худойбердиев, Б.И. Аҳтамов. — Тошкент: 2016. — Б. 3-17.

²⁵ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // В кн.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Перевод с англ. Ю. Готье. — Л., 1932. — 215 с.

²⁶ Путевые заметки майора Бланкеннагеля в Хиву в 1793–1794 гг. // “Вестник” Императорского Русского географического общества (ВИРГО). Ч. 22. — СПб., 1858. — 116 с.

²⁷ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного сию страну для переговоров. Т. 1. — М., 1819; Т. 2. — М., 1820; Записки Н.Н. Муравьева–Карского "Путешествие в Хиву" // “Русский архив”, 1887, № 3. — С. 5-42; Муравьев Н. Хива тижорати. 1819-1820 йилларда Ўрта Осиёга сайёҳат // “Ҳаёт ва иқтисод”, 1993. — № 3. — Б. 74-75.

²⁸ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // “Записки” Русского географического общества. Книга 5-я. — СПб., 1851. — 153 с.

²⁹ Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта Н.П. Игнатъева. — СПб., 1897. — 278 с.

³⁰ Мак Гахан А.Я. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. — Москва, 1875. — 304 с.

³¹ Фаррох К. Персы: армия великих царей. — Москва: Эксмо, 2009. — 344 с.

мавзунинг назарий ва концептуал асосларини очиб бериш;
мавжуд бўлган алоқа тармоқлари ва воситаларининг умумий аҳволини ёритиш;

Хоразм воҳасида алоқа хизматининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омилларни аниқлаш;

алоқа соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланган почта тизимининг пайдо бўлиши ва таракқиётга эришилган даврлари доирасида ўрганиш;

воҳада алоқа хизматини босқичма-босқич таракқий этиб, янгиланиб, ўзгариб борганлигини тадқиқ қилиш;

энг сўнгги хабарларнинг тарқатилишида воҳада радио ва телевидениесининг тутган ўрни ва ролини очиб бериш;

истиклол йилларида алоқа соҳаси ривожига янги хизмат турларининг жорий қилиниши ва ундан кўзланаётган асосий мақсадларни кўрсатиб бериш;

мустақиллик йилларида алоқа соҳасига кадрлар тайёрлаш таълими тизимида ўтказилган ислохотларни ўрганиш;

ўрганилган масалалар юзасидан амалий аҳамиятга молик таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1873-2018 йиллардаги Хоразм воҳасидаги алоқа тизимини пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиши тарихи танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм воҳасида алоқа тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналарининг ўрганилган даврлардаги фаолияти, моддий-техник аҳволи, кадрлар тайёрлаш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик ва изчиллик тамойиллари, статистик, қиёсий ва муаммовий-хронологик таҳлиллар, тизимли ва холислик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Россия империяси ҳукмронлиги даврида Хива хонлигига алоқанинг янги турлари - почта, телефон, телеграф, фотография каби воситаларнинг кириб келиши натижасида узоқ ва яқин ҳудудлар билан боғланиш, маълумот алмашиш имкониятлари кенгайиб борганлигига қарамай, алоқа воситаларидан асосан сиёсий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланилганлиги исботланган;

воҳада телефон-телеграф станцияларининг кенгайтирилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларда почта шахобчалари томонидан хат, хабар, вақтли матбуот нашрларини аҳоли ва ташкилотларга етказиш, қарияларга нафақа тарқатиш, пул ўтказиш, телеграмма ва телефон хизматлари таъминланган бўлсада, бу жараёнда қатор узилишлар юзага келиб, хизмат кўрсатиш паст даражада сақланиб қолганлиги асосланган;

собик совет даврида алоқа хизматининг янги турлари: почта, телефон, телеграф, фотография, радио ва телевидение каби воситаларнинг жорий қилиниши натижасида ҳудудлар билан боғланиш, маълумот алмашиш имкониятлари муаайян даражада кенгайиб борган бўлсада, айти пайтда ушбу

тизимда фаолият олиб борган ходимларнинг савияси ва уларга етарли шарт-шароитлар яратилмагани соҳанинг сифат кўрсаткичлари ўзгармай қолишига сабаб бўлганлиги исботланган;

мустақиллик йилларида ижтимоий инфраструктуранинг таркибий қисми бўлган алоқа корхоналарини илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва малакали кадрлар билан таъминланиши, Хоразм телевидениеси ва радио соҳасига янги техника ва технологияларнинг босқичма-босқич кириб келиши ижодий имкониятларнинг кенгайишига, аҳолига мазмунли ва сифатли кўрсатув-эшиттиришларнинг тақдим қилинишига имкон бераётганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасидаги алоқа тарихи ҳақида архивларида сақланаётган ҳамда илгари нашр қилинмаган янги маълумотлар илмий муомалага киритилган;

1873-2018 йилларда Хоразм воҳасида алоқа тизимининг ривожланиш жараёни билан боғлиқ материаллар бир тизимга солиниб, умумлаштирилган;

ўрганилган даврда алоқа тизимининг ютуқ ва муаммолари ёритиб берилган, шундан келиб чиқиб, тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, архив материаллари, тарихий адабиётлар, алоқа корхоналарнинг расмий веб-сайтлари, нашрлари каби бирламчи манбалар, газета, журнал, тўпламларда эълон қилинган мақолалар, алоқа соҳасида фаолият олиб борган ходимларининг хотираларига асосланганлиги олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, алоқа тизимини ривожланиши тарихидаги муаммолар ечимига хизмат қилишдан иборат. Ишда таҳлилий маълумотлар, чиқарилган якуний хулосалар Хоразм воҳасидаги алоқа тизимининг ривожланиш тарихи алоқа ахборотлаштириш соҳасидаги методологик услубий ёндашувларни ривожлантириш ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этишга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда илгари сурилган илмий фикрлар таклифлар хулосалардан республика олий ўқув юртлари, ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежларидаги “Почта хизмати” йўналишлари талабалари учун махсус курслар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, дарслик ва монографияларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. “Хоразм воҳасида алоқа тизими тарихи (1873-2018 йиллар)” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Россия империяси ҳукмронлиги даврида Хива хонлигига алоқанинг янги турлари - почта, телефон, телеграф, фотография каби воситаларнинг кириб

келиши, Хива хонлигида алоқанинг янги турларини пайдо бўлишига оид фото ва архив материаллардан “Хива алоқа музейи” экспонатларини бойитиш мақсадида фойдаланилган (“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 20 майдаги 29-17-/1248-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар музей экспозициясини соҳага оид янги материаллар билан бойитиш билан биргаликда соҳага оид маълумотларни фактик манбалар асосида ёритишга хизмат қилган;

Хоразмдаги алоқа соҳасининг тадрижий ривожланиши хусусиятлари, ижтимоий сиёсий ва тарихий жараёнларнинг алоқа соҳасига ўтказган таъсири, алоқа соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланган почта тизимининг пайдо бўлиши ва тараққиётга эришилган даврлари тарихига оид илмий хулосалардан ЎзРФА минтақавий бўлими Хоразм Маъмун академияси ФА-А1-Г015 шифрли “Хива хонлари давлат архив хужжатлари II жилд” мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 14 октябрь 2019 йилдаги 3/1255-2716-сонли маълумотномаси). Фойдаланилган материаллар соҳа ривожига оид янги маълумотлар билан бойитишга ва қўлланилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман ва конференцияларда, шу жумладан, 5 та халқаро конференция: XIV Международной научно-практической конференции “European Scientific Conference” (Пенза, 2019), 5-я Международная научно-практическая конференция “Global Science And Innovations Central Asia” (Астана, 2019), “Труды международной научно-образовательной конференции” (Санкт-Петербург, 2019), Международной научно-практической интернет-конференции “Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации” (Переяслав-Хмельницкий, 2019), “Жанубий Оролбўйи археологияси, этнографияси тарих ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари”(Нукус, 2019) ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, республика 5 та ва хорижий журналда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий

аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Хива хонлигида алоқа хизматининг шаклланиши (1873-1920 йй.)”** деб номланган биринчи бобида кўрсатилган давр оралиғида воҳада алоқа хизматининг ривожланишига туртки бўлган воқеа ва ҳодисалар хронологик тарзда таҳлил қилинган.

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлиб келган Хоразмда илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ва шаҳарсозлик каби соҳалар билан бир қаторда алоқа хизмати ҳам босқичма-босқич шаклланиб, тараққий этиб келган. “Авесто”да ҳар қандай хабар, янгилик ўзининг ҳақиқийлиги, тўлиқлиги билан баҳоланиши, унинг ёрдамида инсоният яхшилик ва эзгуликка қараб интилиши³² ҳақида ёзиб қолдирилган.

Ўрта асрларда воҳада алоқа хизмати билан шуғулланадиган ходимлар “соҳиби аъфол” — “соҳиб бари” деб ҳам юритилган³³. Алоқа хизматчиси вазифаси айрим ҳолларда вазиятга қараб чопарларга юклатилган. Бундан ташқари, хабарни тезда етказиш мақсадида махсус почта каптарларидан ҳам фойдаланишган. Хат-хабар етказиш имкониятининг пайдо бўлиши минтақада илм-фан ривожига жиддий туртки берган. Давлат ичидаги муҳим хабарларни одамлар кўп тўпланадиган бозор ва тўй-маъракаларда жарчилар орқали етказиш анъана тусига кирганди. Айниқса, хоннинг саройдан чиқиш маросими нафақат жарчи орқали, балки мусиқа асбоблари бўлмиш — сурнай ва карнайлар ёрдамида маълум қилинадиган бўлган³⁴.

Сўнги ўрта асрларда Хива хонлиги Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Россия, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан фаол дипломатик муносабатлар ўрнатилиши натижасида элчилар ҳукмдорларнинг хатларини етказиб, хабарчи вазифасини бажарганини қайд этиш мумкин³⁵. Бундан ташқари, хат-хабарларни қарвонлар таркибидаги савдогарлар ва ҳаммоллар орқали жўнатиш мумкин бўлган. Шу даврларда ички алоқа хизмати асосан махсус чопарлар ва жарчилар орқали йўлга қўйилган эди. Уларнинг аксариятига давлат хазинасидан маош тўлаб турилган ва илтифот кўрсатилган. Хива хонлигида давлат амалдорлари орасида меҳтар юқори мартабали лавозим ҳисобланиб, у хоннинг ўнг томонида ўтирган. Меҳтарнинг бевосита ёрдамчиси эса шиғовул деб аталиб, асосан, дипломатик ва айғоқчилик ишларини бошқарарди.

1873 йилда Хива хонлиги Чор Россияси томонидан босиб олинishi натижасида бир муддат иқтисодий аҳвол оғирлашган ярим мустамлака бўлишига қарамай хориж давлатлари билан алоқаларни йўлга қуйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

³² Мўминов А. Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари. — Тошкент: Турон замин зиё, 2013. — Б. 5.

³³ Қурбон Муҳаммадризо. Абу Райхон Беруний (*тарихий роман*) 2-китоб: Синов саҳнаси. — Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2017. — 108 б.

³⁴ Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. — Тошкент: Ўздавнашр, 1959. — Б. 309.

³⁵ Мавлонов, Ў., Аҳмедов, С., Умаров, Б.. Ўзбекистон почтаси: тарих ва тараққиёт. — Б. 70.

Хусусан, Муҳаммад Раҳимхон II 1885 йилда Буюк Британия Бош вазирига мактуб юбориб, йўлдаги давлатлар мулозимларидан хабарчини бежавотир ўтказишни илтимос қилган³⁶. Хонликга алоқа воситаларини кириб келиши аксарият монографияларда 1889 йил деб кўрсатилган. Тадқиқот жараёнида бир йил олдин қарор қилгани ҳақидаги янги маълумотлар аниқланди. Хонликга телеграф олиб келиниши асосий сабабларидан бири — Россия ҳукумати Хива хонлиги билан савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантириш, рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тезроқ хабардор бўлиш истагида бўлганини такидлаб ўтиш жоиз.

1889 йилда Тошкент, Бухоро, Чоржўй ва Керки телеграф линиясига Хива ҳам қўшилди³⁷. Шу йилнинг 10 апрель куни Амударё бўлими бошлиғи таклифига биноан Хива хони валиаҳди Асфандиёр ва Бош вазир Иброҳимхўжа Петро-Александровск (Тўрткўл)га борганида, энг сўнги телефон аппарати кўрсатилиб, генералнинг уйи билан девонхонаси ўртасида гаплаштирадilar. Мазкур ихтиро Хиваликларни қизиқтириб қўяди. Сафардан қайтишлари билан бу янгилик ҳақида Муҳаммад Раҳимхон II га хабар берилди³⁸.

1889 йилда Чоржўйдан Дарғонотага телеграф тармоғи тортилди. Орадан бир оз вақт ўтгач, бу линия Петро-Александровскка қадар узайтирилди. 1890 йил 15 февралда истеҳкомда почта ва телеграф маҳкамаси очилди. 1895 йилда Хивада биринчи телефон станцияси ишга туширилди. Ушбу қўл билан бошқариладиган станция 20 рақамли бўлиб, “Эриксон” номли швед фирмаси томонидан ишлаб чиқилганди³⁹.

Воҳада пул-товар муносабатларининг ривожланиши, банк капитали пайдо бўлиши алоқа тармоқларининг бир қанча янги турларининг пайдо бўлиши, шаклланишига қулай имконият яратди. Почта билан бир қаторда телефон ва телеграф алоқаси ҳам вужудга келиб, аста-секин такомиллашиб борди. Бош вазир Саид Ислохўжа бошлиқ бир гуруҳ амалдорлар Москва ва Петербург шаҳарларига сафар чоғида Хива ва Янги Урганчда почта ва касалхона биноларини қуришга рухсат олишга ҳаракат қилдилар⁴⁰.

Хиваликларнинг 1907 йилги Россияга сафарида Худойберган Девонов ҳам бўлиб, подшо Николай II билан учрашув пайтини бир неча марта суратга олди⁴¹. Петербургдан Х.Деванов “Патэ” русумли киноаппарат, фотоаппарат, телескоп, граммафон каби асбобларини Хоразмга олиб келди⁴². Хива шаҳрида фотолаборатория ташкил қилди ва немис Вильгелем Пеннер кўмагида ўлкада илк бор кино санъатига асос солди⁴³. “Ўрта Осиё меъморий

³⁶ Daryo.uz, 14.06.2018.

³⁷ Хивага телеграф // Таржимон” газетаси, № 11. 24.03.1889.

³⁸ Хивадан мактуб // Таржимон” газетаси., № 22. 9.06.1889 .

³⁹ Азизова Н. Телефон ва телефон алоқасини ривожланиш тарихи. Infocom.uz.

⁴⁰ Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. — Тошкент: F. Ғулом, 1991. — Б. 98 .

⁴¹ Раҳимов Д., Матрасулов, Ш. Феруз. — Тошкент: “Extremum press”, 2011. — Б. 129.

⁴² Бекмуҳаммад У. Мозийдаги сирли ўлимлар. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. — Б.30.

⁴³ Маҳмудов М. Хоразм тарихидан лавҳалар. — Урганч: УрДУ, 1998. — Б. 43.

ёдгорликлари”, “Туркистон кўринишлари” ва “Хива ва хиваликлар” каби қисқа узунликдаги фильмларни яратди⁴⁴.

1910 йил 16 августда Муҳаммад Раҳимхон II вафот этди. Бу ҳақда генерал-губернаторга телеграф орқали зудлик билан хабар юборилди. “Тошкент, 1910 йил 16 август, №956. Генерал-лейтенант А.В. Самсоновга. Менга, бугун кундуз соат 12.00да хоннинг юрак фалажидан вафот қилганини хабар қилдилар. Хонликда тинчликни сақлаш учун барча чоралар кўрилган. Амударё бўлим бошлиғи генерал Гулушановский” дейилади биринчи телеграммада. Иккинчисиди: “Тошкент, 1910 йил 18 август. № 971. Генерал-лейтенант А.В. Самсоновга. Бугун хонни кўмиш маросими бўлиб ўтди. Халқ қаттиқ қайғуда, кўз ёши тўккан оломон уни сўнгги йўлга кузатиб борди”⁴⁵ деган сўзлар бор эди.

1913 йилнинг ноябрида Хивада рус инженерлари раҳбарлигида почта-телеграф идораси иш бошлади⁴⁶. Шу идорага биринчи “Морзе” телеграф аппарати ўрнатилди. Кейинчалик Янги Урганч, Дарғонота, Ҳазорасп, Тошховуз ва Хўжайлида ҳам почта корхоналари барпо этилди⁴⁷. Тўрткўл орқали Туркистон ўлкаси шаҳарлари билан алоқа йўлга қўйилди. Бунгача алоқа хизмати махсус чопарлар, жарчилар орқали йўлга қўйилганди⁴⁸. Алоқа воситалари дастлабки даврларда чор мустамлакачилари ва рус ишбилармонларининг манфаатларини кўзлаб иш олиб борди. Хонлик хазинасидан Урганч почта-телеграф идораси хизмати учун Амударё бўлимига ҳар йили 4 минг 740 манат тўлаб турилганлигининг⁴⁹ ўзидан ҳам хулоса чиқариш мумкин.

Шу йили Ўрта Осиёда почта йўлларининг умумий узунлиги 2640 километрни ташкил этди. Улардан 1362 км почта йўлларида ижарага олинган транспорт воситалари хизмат кўрсатади. Жойларда жами 224 та почта қутиси бўлиб, улар ҳудудлар бўйича таққосланса — Тошкентда — 55 та, Марғилонда — 15 та, Бухорода — 10 та, Наманганда — 5 та, Самарқандда — 8 та, Янги Урганчда — 4 тагина шундай қути бўлган⁵⁰. Ўша даврда аҳоли жон бошига Андижонда — 1,6 та, Бухорода — 1,8 та, Самарқандда — 1,2 та, Урганчда — 0,7 та, Наманганда — 0,8 та, Тошкентда — 3 та тўғри келарди⁵¹.

1913 йил 9 августда Хива хонлиги Бош вазири Акбар Саид Ислонхўжа ўлдирилганлиги тўғрисидаги шум хабарни телефонда Асфандиёрхонга етказдилар. 1914 йилда Бош вазир этиб тайинланган Муҳаммад Вафо Петербургга ҳарбий министр В.А. Сухомлинов олдиға юборилди. Аммо у Петро-Александровскга келган вақтида, жаҳон уруши бошланиб кетганлиги

⁴⁴ Эркинов А.С., Полвонов, Н.Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз кутубхонаси фехристи (Хоразмда китобат ва кутубхоначилик тарихидан). — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. — Б. 13.

⁴⁵ Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА). И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 101-иш, 12-13-варақлар.

⁴⁶ Матниёзов М. Хоразм тарихи. 1-жилд. — Б. 368.

⁴⁷ Атаниязов С. Хоразмда почта-телеграф ривожланиш тарихига бир назар // “Хабар” газетаси, 2012, 12 октябрь, 41 (1047). — Б. 5.

⁴⁸ Абдурасулов А. Хива. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997. — Б. 40.

⁴⁹ Қўшжонов, О., Полвонов, Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср биринчи чораги). — Тошкент: “Абу Матбуот-Консалт” МЧЖ, 2007. — Б. 149.

⁵⁰ Муҳаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. — Тошкент: Фан, 2000.—Б. 8,9.

⁵¹ Жўраев Л.Н. ва б. Замонавий почта алоқаси // Ғ.Р. Маматқулов, Р.Ф. Худойбердиев, Б.И. Ахтамов. — Б. 27.

тўғрисида телеграмма келиб, ушланиб қолди. Тўрт кундан сўнг ҳарбий министрдан телеграмма билан рухсат олинди ва сафарини давом эттирди⁵².

Хива хонлигида телеграф ва телефондан асосан чор Россияси маъмурияти ҳарбий мақсадларда фойдаланилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида 1916 йилдаги Хива хонлигида юз берган галаёнлар натижасида зудлик билан юборилаётган ҳарбий қисмни почта-телеграф ва телефон билан таъминлашни сўраб ёзилган мактуб сақланган⁵³.

Почта, телефон ва телеграф соҳасида кўпроқ маҳаллий кадрлар эмас, балки рус ва татар миллатларига мансуб ходимлар фаолият кўрсатишарди. 1917 йил 19 апрелда Янги Урганч идораси бошлиғи А. Парадеев Туркистон почта-телеграф округи бошлиғи ёрдамчиси Исакийга ёзган мактубида, давлатга қарашли хоналар барпо этиш билан бир қаторда малакали мутахассислар сонини ошириш зарурлиги қайд қилинган⁵⁴. Шу вақтга қадар Хива хонлиги ҳудудида 100 га яқин телефон аппаратлари ўрнатилганди. Хонликдаги кейинги ўзгаришлар мавжуд алоқа воситаларига зиён етказди ва 1919 йил сентябрдан почта бўлимлари иши тўхтатилди.

Диссертациянинг **“Советлар ҳокимияти даврида Хоразмда алоқа тизими (1920-1990 йй.)”** деб номланган иккинчи бобдан воҳада почта телеграф алоқасининг янги босқичга кўтарилиши, радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи илмий таҳлил қилинган.

1920 йил апрелида Хоразм Халқ Республикаси эълон қилинди. Янги республикада муҳим тармоқлардан бири — алоқа бўлими ҳам ташкил қилинди. Чоржўй ва Янги Урганч шаҳарлари ўртасида почтани Амударё орқали кемаларда ташиш тикланди. Шу йили Хива ва Петро-Александровск орасида телефон алоқаси қайта ўрнатилди⁵⁵. 1923 йилдан бошлаб Дарғонота, Ҳазорасп, Хива, Тошҳовуз, Хўжайли, Қўнғирот йўналишларидаги почта хабарлари ва юклар дастлабки самолётлар ёрдамида юборила бошланди. 1924 йил ёзида Дарғонота, Тўртқўл, Янги Бухоро (Когон), Тошкент, Авлиёота (Тароз), Пишпак (Бишкек), Олмаота почта авиалиниялари ишга тушди ва уларнинг умумий узунлиги 600 километрни ташкил қилди. Ҳаво транспортида жами 1000 йўловчи, 200 кг почта ва 5 тонна юк жўнатилганди⁵⁶. Шу йили Хива ва Урганч шаҳарларидаги мавжуд телефон станциялари номери 60 гача оширилди ҳамда алоқа бўлимлари “Почта-телеграф идораси” деб атала бошланди⁵⁷. Хоразмдаги шаҳар телефон тармоқлари 1700 рақамга етказилди. 1924 йилнинг кузида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши натижасида Хоразм ҳукумати ва алоқа бошқармаси ҳам ўз фаолиятини тўхтатди⁵⁸.

1925 йилда Ўзбекистон ҳукумати “Қишлоқда почта-телеграф тармоғини кенгайтириш ҳақида”, “Колхоз почталёонлари институтини ташкил қилиш

⁵² Юсупов Полвонниёз Хожи. Ёш хиваликлар тарихи. — Урганч: Хоразм, 1999. — Б. 65, 66.

⁵³ ЎзМА, И-43-жамғ., 1- рўйхат, 454-иш, 8-варақ.

⁵⁴ ЎзМА, И-43-жамғ., 1- рўйхат, 237-иш, 54, 55-варақлар.

⁵⁵ Мухаммадиев Ф. Хоразм алоқа тизими тарихи // “Хабар” газетаси, 2007. — 12 январь, 2 (747). — Б. 5

⁵⁶ ЎзМЭ. — Тошкент: Давлат илмий наширёти, 2005. — Б.257.

⁵⁷ Мухаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. — Тошкент: Фан, 2000. — Б. 11, 13.

⁵⁸ Матниязов М. Хоразм тарихи. — Урганч: Хоразм, 1997. — 2-жилд. — Б. 57.

тўғрисида” қарорлар қабул қилди. Хоразм округ инқилобий қўмитаси аъзоси Занишев ариза билан Гурлан ва Ҳазорасп туманларида почта бўлимлари очишни сўраб мурожаат қилганди. Натижада округ алоқа бошқармаси Янги Урганчдан Гурлан ва Ҳазораспга почтани 2 ҳафтада бир марта элтиб бериш вазифасини ўз зиммасига олганди⁵⁹. 1926 йилда воҳада телефонлаштириш ишида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 124 километрли Янги Урганч–Гурлан тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилди⁶⁰. Бунинг сабаби кўрсатилган туманлар вилоят марказидан 70-100 км узоқда жойлашгани учун биринчи навбатда мазкур ҳудудларда жойлашган давлат ташкилотларига марказдан берилмаётган топшириқларни тезкор етказилиши назарда тутилган.

Шу йили округдаги 51 км. узунликдаги учта йўналиш бўйича алоқачилар машиналарда почта таший бошлашган. 1929 йил октябрида ташкил этилган Янги Урганч аэропортидан дастлаб почта юқларини ташишга мослаштирилган самолётлар Чоржўй ва Тўрткўл шаҳарларига уча бошлаган⁶¹. Бироқ ходимларининг самарали фаолият олиб бориши учун етарлича шарт-шароитлар яратилмагани, кадрлар етишмовчилиги каби муаммолар соҳа ривожининг маълум даражада оқсашга ҳам сабаб бўлган.

1939 йил кузида бошланган Тошсоқа канали қурилишида воҳанинг барча туманларидан 35 минг деҳқон, ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар қатнашдилар. Қурилишда 9 та вақтли почта бўлимлари ташкил этилган бўлиб, барча участкаларда телефон хизмати жорий этилганди. Ғайрат ва шижоат билан ишлагани учун И. Раҳимбоев ва П. Майсуқ каби алоқачилар “қурилиш зарбдори” унвонига эришганлар. Фақат айрим алоқачилар эмас, катта-катта корхоналар ҳам турли даражадаги мусобақа шартномаларига кўшилиб, муайян муваффақиятларга эришгандилар. Бутуниттифоқ мусобақасида вилоятнинг Янгибозор тумани алоқа бўлими ғолиб чиққанди⁶². 1939 йилда Хоразм вилоятидаги ҳар 100 кишига 0,1 та почта қутиси, 38 та телеграмма, 0,2 телефон аппарати, 40 та шаҳарлараро сўзлашув, 4,2 радио нуқталари тўғри келмоқда эди⁶³.

1941 йилда Хоразм вилоят алоқа идораси шаклланди⁶⁴. Иккинчи жаҳон уруши йилларида почта хизмати ходимлари мураккаб шароитда ишлашларига қарамасдан, одамларнинг кўнглини кўтариш, ғалабага бўлган ишончини ошириш учун астойди ҳаракат қилдилар. Жангоҳларда алоқачилардан Юсуп Бекчанов, Абрам Дессер, Сапо Қазақов, Ибрагим Матназаров, Худоёр Юлдашевлар катта жасорат кўрсатишган. Урушда воҳа аёлларидан 146 нафари ҳам қатнашган. Биринчи кўнгиллилар қатори фронтга кетганлар орасида алоқачи Рўза Иброҳимова бўлиб, жасоратлари учун “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланган⁶⁵.

⁵⁹ ЎзМА, Р-246-жамғарма, 1-рўйхат, 160-иш, 1, 9-варақлар.

⁶⁰ Саламуллаев Х. С. Ўзбекистонда алоқа тармоқлари ва воситаларининг асосий йўналишлари ютуқлари ва муаммолари тарихий нуқтаи назар 1917-1941. — Тошкент: 1994.— Б.40.

⁶¹ Муҳаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. — Б. 10

⁶² Хоразм вилоят давлат архиви (ХорВДА), 453-жамғ., 1-рўйхат, 4-иш, 5-варақ.

⁶³ ХорВДА, 453-жамғ, 2-рўйхат, 24-иш, 19-варақ.

⁶⁴ История развития связи Узбекистана // [http:// infocom.uz](http://infocom.uz). 05.01.2005 . С. 10.

⁶⁵ [www. Xorazmiy.uz](http://www.Xorazmiy.uz). 2.05.2019.

1939-1958 йилларда Урганч алоқа булимида почта-телеграф бўлиб фаолият олиб борган Розия Бобоеванинг (1925 йилда туғилган) эслашича, 3-4 участкага хизмат кўрсатишга тўғри келган. Почта халтанинг оғирлиги 15-20 килограмм бўлишига қарамадан, кунига Урганч шаҳри ва Урганч тумани бўйлаб бир неча километр йулни пиёда босиб ўтиб, фронтдан келган хатларни ўз эгаларига етказишга тўғри келган⁶⁶. Почта ходимларининг уруш йилларида бутун воҳа бўйлаб узулишларсиз хизмати билан ғалабага ўз ҳиссаларини қўшганликларини эътироф этиш лозим.

СССР Министрлар Советининг 1947 йил мартида Чоржўй–Қўнғирот темир йўли лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қуриш вазифаси қўйди. Умумхалқ хашарчиларига хизмат қилиш учун 32 та почта бўлимларини тайёрланиб қўйилганди⁶⁷. Шу йили вилоятда 41 км телеграф-телефон тармоғи қурилиб ишга туширилди. 310 км. сим осилди ва 2130 метр кўп толали кабель ётқизилди. Тўртта янги телефон станцияси ва яна шунча янги радио тугуни қурилди. Шаҳар телефон алоқасини қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди ва Гурлан, Манғит туман марказларида телефон тармоқларини кенгайтириш ишлари олиб борилди. 1948 йилда 4 та туман кунлик ва яна 4 та туман ҳафталик почта алмашарди ҳамда 8 та туманга автотранспорт билан хизмат кўрсатилди. Урганч шаҳрида тезкор почта ташкил қилинди.

Хоразмдаги аксарият телефон-телеграф алоқалари ер устига ўрнатилган тўсинларга тортилган сим орқали ташкил қилинганди. Шаҳарларда пайдо бўлган кўп симли алоқа кабелларининг узунлиги ҳам қониқарли эмасди. 1948 йилда Хонқа туманида 3 та қишлоқ ва Урганч туманида 2 та колхоз ер остидан хлорвинил қобикли кабель ётқизиш орқали телефонлаштирилди. Бу даврда ҳаммаси бўлиб 15 км. осма линиялар қурилган ва ер остига 24 км. хлорвинил кабель ётқизилганди⁶⁸.

1957 йил 1 январидан Хоразм вилояти алоқа бошқармаси вилоят алоқа-техника ишлаб чиқариш бошқармасига айлантилди. 1959 йилда вилоятда 8 та почта идораси, 67 алоқа бўлими, 33 та аҳоли пунктига хизмат кўрсатувчи 1 та кўчма алоқа бўлими ва 1902 аҳоли пунктига хизмат кўрсатувчи 35 та штатсиз агентлар фаолият кўрсатарди. Алоқа корхонасининг тармоғи аҳолининг ўсиб бораётган талабини ҳамон тўлалигича қондира олмаётганди. Вилоятда ўрнатилган 756 та почта қутиларидан фақат Урганч ва Хива шаҳарларидаги 87 та қути алоқа вазирлигининг меъёрларига мос келарди. 67 та алоқа бўлимидан 62 таси телефонлаштирилган ва алоқа хизматининг барча турларини тақдим қиларди. 5 та телефонсиз алоқа бўлими фақат почта-телеграф хизматларини тақдим қиларди. Шу йили вилоят алоқа бошқармаси тасарруфида 8 та алоқа бўлими биноси қурилган бўлсада, кўпчилик алоқа бўлими бинолари ўзининг йўналишига жавоб бермасди. Почтани сақлаш учун омборхоналар йўқ, ишлаб чиқариш жиҳозлари етарли даражада эмасди⁶⁹.

⁶⁶ Фахрий алоқачи Р. Бобоеванинг хотираларидан, 02.04.2019.

⁶⁷ Махмудов М. Хоразм тарихи истиклол кўзгусида. — Урганч, 2013. — Б. 38-40

⁶⁸ ХорВДА, 1-жамғ., 2-рўйхат, 1-иш, 18, 25, 38, 41-варақлар.

⁶⁹ ХорВДА, 453-жамғ., 1-рўйхат, 236-иш, 10, 17-варақлар.

1960 йилга келиб Хоразм вилоятида янги 2,5 мингта телефон аппарати станцияларга боғланди ва жамоа хўжаликлари деярли тўла телефонлаштирилди. Шу йили 1 миллион 777 мингта хат, 4,5 миллион нусха газета ва журналлар эгаларига етказилди. Юборилган шошилинонамалар сони 121 мингтани ташкил этди. Радио нуқталари сони 62 мингтадан ошди⁷⁰. 1961-1962 йилларда Хоразм вилоятининг бир қатор туманларида аҳолига алоқа хизматини янада яхшилаш, пенсия пуллари, газета ва журналларни ўз вақтида етказиб берилишин таъминлаш мақсадида алоқа бўлимларининг бир қатор шахобчалари очилди⁷¹.

1964 йилда Урганчда 2 қаватли “Алоқа уйи” биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади. 1965 йилга келиб, темирўл, сув, автомобиль ва ҳаво транспортларининг ривожланиши почта алоқасининг кенг суръатда ўсишига олиб келди⁷². 1968 йилда Хоразм вилоятида почта-телеграф ва телефон корхоналарининг сони 1960 йилга нисбатан 69 тага кўпайган. Қишлоқ жойларида бундай ўсиш деярли 2 баробарни ташкил этган.

1976-1980 йилларда телефон станциялари сони 50 тадан 94 тага етди. Телефон аппаратлари 1,7 баробарга кўпайиб, 24904 тани ташкил этди. 1980 йилда шаҳарлараро сўзлашувлар сони 1 миллиондан ошиб кетди. 80-йиллар охирига келганда воҳада алоқа бўлимлари 202 та, почта қутилар сони 1550 тагача кўпайди. Алоқа вазирлигига қаршли станцияларга уланган телефонлар миқдори 25 мингтага етган, шу жумладан, шаҳар алоқасига 16,8 минг, қишлоқ телефон алоқасига 8,1 мингта абонент боғланганди⁷³. 1982 йилда Урганчда вилоят алоқа тармоғи учун янги бино қурилган. 1983 йил 22 июнда эса Республика Алоқа министрининг 139-буйруғига асосан Хивадаги дастлабки почта биносида Алоқа музейи ташкил қилинган⁷⁴.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда алоқаси соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш Тошкент алоқа политехникуми билан бир қаторда Тошкент электротехника алоқа институтида амалга оширилган. 1979 йилда Урганчда воҳа учун ўрта малакали мутахассис тайёрловчи 205-сонли билим юрти ташкил қилинган. У 1984 йил 20 августда 21-хунар-техника билим юртига (СПТУ) айлантирилганди⁷⁵. Бироқ соҳа учун олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж юқори даражада бўлишига қарамай бу соҳада мутахассислар тайёрлаш ишларига умуман эътибор қаратилмаганини такидлаб ўтиш лозим.

Хоразм округ ижроия қўмитасининг 1936 йил 13 январдаги 13/1-сонли қарорига асосан **радиокомитет** ташкил қилинди. Округ радиокомитетининг биринчи раиси этиб М. Отажонов, ўринбосари — И. Ибрагимов тайинланган. Радиокомитетга Урганч шаҳри марказида 3 хонали бино ажратилган⁷⁶.

⁷⁰ Муҳаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. – Б. 14.

⁷¹ ХорВДА, 453-жамғ., 1-рўйхат, 240-иш, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48-варақлар.

⁷² Муҳаммадиев Ў. Бир зумда алоқа. – Б. 14, 19.

⁷³ Муҳаммадиев Ў. Бир зумда алоқа. – Б. 20, 28.

⁷⁴ Атаниязов С. Хоразмда почта-телеграф ривожланиш тарихига бир назар // "Хабар" газетаси, 2012, 12 октябрь 41 (1047). – Б. 1.

⁷⁵ Урганч ахборот-компьютер касб-хунар коллежи хақида маълумотнома, 2017 й.

⁷⁶ Хоразм вилоят давлат архиви, 69-жамғ., 1-рўйхат, 442-иш, 28-варақ.

Кундалик эфир вақти икки соат бўлиб, эшиттиришларнинг 75 фоизи ўзбек ва 25 фоизи рус тилида берилган. 1937 йилда Хоразм округ радиокomiteтида 10 нафар ходимлар ишлаган. Улардан муҳаррир сифатида Бобожонов, Худойберганов, Сидоровлар, диктор бўлиб Бекчанова, Атамуратовлар фаолият кўрсатган⁷⁷. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, радионинг кундалик турмушдаги мавқеи ниҳоятда ортган. Аҳоли уруш жанггоҳларидаги ахволдан радиокарнайлар орқали хабардор бўлиб турган. Шу йиллари вилоят радиосида бош муҳаррир Оллаберган Бобожонов, муҳаррирлар Эгам Раҳим ва Мария Пильнова, адабий ходим Карим Раҳимов, диктор бўлиб Ойбиби Худойберганова ва Левчук ишлашган⁷⁸.

1947 йилда Хоразм вилояти бўйича 3615 та радионукта (абонент) бўлиб, унинг 1642 таси қишлоқ жойларида ўрнатилган. Вилоят радиокomiteти 1958 йилдан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги телевидение ва радиоэшиттириш комитети тасарруфига ўтказилган⁷⁹. 1961 йилга келиб, вилоятдаги йирик қишлоқ ва жамоа хўжаликлари радио ва телефонлаштирилган. Туман марказларида автомат-телефон станциялари ишга туширилган бир вақтда, қишлоқларда почта-радиоузел, телефон алоқаси ҳам кенгая борган⁸⁰. 1972 йилнинг ўзида шаҳар-туман ишчи-хизматчи ва колхозчиларнинг хонадонларида 18 мингдан ортиқ радио эшиттириш нуктаси бўлиб, уларнинг 5000 таси қишлоқ жойларида эди⁸¹.

Радиони кечаю-кундуз, узлуксиз эшитиш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари, радио орқали транспорт ҳаракатларини, айрим электр тармоқларини, гидроиншоотларни, насос станцияларни узокдан юбориладиган махсус сигналлар билан бошқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун автомобилларга ўрнатилган рация аппаратлари такомиллаштирилди ва махсус антенналар орқали хабар, раҳбарларнинг топшириқ ва кўрсатмаларини тезкор етказиб бериш имкони яратилди.

